



## O'zbekiston Respublikasi Sirdaryo viloyati Hokimi

### Q A R O R

18 февраль 2017 йил

77-сонли

Гулистон шаҳри

#### **Юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш тўғрисида**

*Мазкур қарор Сирдарё вилояти ҳокимининг 2017 йил 30 сентябрдаги 447-сонли “Юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш тўғрисида”ги қарорига асосан 2017 йил 30 декабрдан ўз кучини йўқотган.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 14 августдаги “Аҳолига сотиладиган ёқилғи, энергия ва кўрсатиладиган хизматлар чакана нархлари ҳамда тарифларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида”ги 381-сонли ва 2014 йил 15 июлдаги “Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 194-сон қарорларига мувофиқ, вилоятнинг шаҳарлари ва туманларида (Гулистон шаҳридан ташқари) қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунининг 6, 14-моддалари ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб, **қарор қиламан:**

1. Янгиер, Ширин шаҳарлари, Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин, Сайхунобод, Сардоба, Сирдарё ва Ховос туманлари ободонлаштириш бошқармалари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати учун тўловлар тарифлари, нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда, 1-иловага мувофиқ белгилансин.

2. Вилоят молия бошқармаси (А.Каримов), вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси (А.Норбоев), туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига жойларда ободонлаштириш бошқармалари томонидан юридик ва жисмоний шахсларга қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати кўрсатилишида

белгиланган тўловлар тарифларига қатъий риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш топширилсин.

3. Туман, шаҳар ҳокимликлари ободонлаштириш бошқармалари билан биргаликда ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда бошқа қулай, самарали усулларда юридик шахслар, жумладан тадбиркорлик субъектлари ва аҳолига қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизмати кўрсатилиши тартиби ва бу хизмат учун белгиланган тўловлар тарифларини етказиш вазифаси юклатилсин.

4. Туманлар, шаҳарлар ҳокимларининг 2-иловадаги қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу қарор “Сирдарё ҳақиқати” газетасида эълон қилинсин ҳамда вилоят ҳокимлигининг Интернет тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан уч ой ўтгач кучга киради.

7. Қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари Ғ. Сулейманов зиммасига юклатилсин.

**Вилоят ҳокими**

**Ғ. Мирзаев**

**Кирилди:**

Вилоят ҳокимлиги  
котибияти мудири

А. Хожиматов

**Келишилди:**

Вилоят ҳокими  
ўринбосари

Ғ.Сулейманов

Вилоят молия  
бошқармаси

А. Каримов

Вилоят ҳокимлиги  
юримдик хизмати бошлиғи

Ю. Абдукаримов

**Сирдарё вилоят, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг ўз кучини  
йўқотган қарорлари рўйхати**

1. Сирдарё вилоят ҳокимининг 2016 йил 20 февралдаги “Ховос туманида юридик ва жисмоний шахслардан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ хизматлар тарифларини белгилаш тўғрисида”ги 64-сонли қарори.

2. Янгиер шаҳар ҳокимининг 2015 йил 13 ноябрдаги “Янгиер шаҳрида тозалаш ва тозаликни сақлаш мақсадида чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш нархларини янги тарифини белгилаш тўғрисида”ги 777-сонли қарори.

3. Ширин шаҳар ҳокимининг 2015 йил 29 декабрдаги “Янгиер шаҳрида тозалаш ва тозаликни сақлаш мақсадида чиқинди нархларини янги ставкаларини белгилаш тўғрисида”ги 488-сонли қарори.

4. Боёвут туман ҳокимининг 2015 йил 7 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги “Республика аҳоли пунктларида санитария жихатдан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 315-сонли қарори ҳамда Молия вазирлигининг БЮ/15-04-34-26/123-1825-сонли хатининг ижросини таъминлаш тўғрисида”ги 1729-сонли қарори.

5. Гулистон туман ҳокимининг 2015 йил 11 мартдаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматлари кўрсатиш участкаси томонидан туман ҳудудида чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш нархини белгилаш тўғрисида”ги 934-сонли қарори.

6. Мирзаобод туман ҳокимининг 2015 йил 24 мартдаги “Мирзаобод тумани ҳудудини тозалаш ва тозаликни сақлаш мақсадида қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар нархларининг янги тарифларини белгилаш тўғрисида”ги 277-сонли қарори.

7. Оқолтин туман ҳокимининг 2015 йил 13 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги “Республика аҳоли пунктларида санитария жихатдан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 315-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Оқолтин туманида чиқинди нархларини янги ставкаларини белгилаш тўғрисида”ги 758-сонли қарори.

8. Сайхунобод туман ҳокимининг 2015 йил 23 октябрдаги “Сайхунобод туманида тозалаш ва тозаликни сақлаш мақсадида чиқинди учун нархларининг янги тарифларини белгилаш тўғрисида”ги 1119-сонли қарори.

9. Сардоба туман ҳокимининг 2015 йил 16 мартдаги “Туманда қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб чиқариш бўйича хизмат тарифларини белгилаш тўғрисида”ги 269-сонли қарори.

10. Сирдарё туман ҳокимининг 2013 йил 30 апрелдаги “Сирдарё

туманида тозалаш ва тозаликни сақлаш мақсадида чиқинди учун нархларининг янги тарифларини белгилаш тўғрисида”ги 992-сонли қарори.

**Янгиер, Ширин шаҳарлари, Боёвут, Гулистон, Мирзаобод, Оқолтин,  
Сайхунобод, Сардоба,  
Сирдарё ва Ховос туманлари ободонлаштириш бошқармалари  
томонидан  
юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатиладиган қаттиқ маиший  
чиқиндиларни  
олиб чиқиб кетиш хизмати учун тўловлар тарифлари**

Т/р	Ҳудуд номи	Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича белгиланган тўлов миқдори				
		дизель ёқилғиси				сикл
		жисмоний шахсларга		юридик шахсларга		киши/ой-сўм
		ўлчов бирлиги	нархи	ўлчов бирлиги	нархи	нархи
1.	Янгиер ш.	киши/ой-сўм	1400	сўм	23000	1300
2.	Ширин ш	киши/ой-сўм	1400	сўм	23000	1300
3.	Боёвут т.	киши/ой-сўм	1400	сўм	23000	1300
4.	Гулистон т.	киши/ой-сўм	1400	сўм	23000	1300
5.	Мирзаобод т.	киши/ой-сўм	1400	сўм	23000	1300
6.	Оқолтин т.	киши/ой-сўм	1300	сўм	21500	1300
7.	Сайхунобод т.	киши/ой-сўм	1400	сўм	23000	1300
8.	Сардоба т.	киши/ой-сўм	1400	сўм	23000	1300
9.	Сирдарё т.	киши/ой-сўм	1500	сўм	23757	1500
10.	Ховос т.	киши/ой-сўм	1400	сўм	23000	1300